*Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан*

# “Олимлар макони” байрамона кайфиятда

**Фарғона водийсининг гавҳари саналмиш бу ажойиб шаҳар ҳақида ҳар қанча таърифу таҳсин айтилса оз. “Марғилон деганда, – эътироф этадилар ҳурматли Юртбошимиз, – бетакрор табиати, боғ-роғлари, камалакдек сержило атласлари, ўзлигимиз рамзига айланиб кетган ранг-баранг дўппилари билан етти иқлимга машҳур бўлган бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади”.**

– Марғилон шаҳри Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти бўлим мудири Абулҳамид Анорбоев. – Ушбу шаҳар милоддан аввалги биринчи ва милоднинг биринчи асри бошларида Марғилонсой ҳавзасида суғорма деҳқончилик маданияти ҳамда Симтепа каби шаҳар типидаги қароргоҳлар асосида пайдо бўлган. Шу даврда, яъни бундан 2000 йил аввал Марғилонсойнинг ўнг соҳили бўйлаб, ҳозирги Марғилон шаҳрининг Машад маҳалласида 25 гектар майдонни эгаллаган шаҳар маркази бунёд этилган. Шаҳарнинг арки ва мудофаа деворлари вақтлар ўтиши билан сўнгги ўрта асрларда бутунлай бузилиб кетган. Кавлаб топилган осори атиқалар (сопол идишлар, тошдан ясалган ёрғучоқ, кели ва сурма тошлар, темирдан ясалган найза ўқлар ва бошқалар) милодимиз бошларида бу ерда йирик, иқтисодий ва савдо марказининг мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Эрамизнинг VI-VIII асрларида Марғилон шаҳрининг майдони шарқ ва шимолий шарқ томонга бир оз кенгаяди. Шаҳарда ўша даврдан бошлаб ҳунармандчилик кенг қулоч ёя бошлайди.

Марғилон ҳақидаги дастлабки маълумотлар X асрга мансуб ёзма манбаларда учрайди. X асрнинг кўзга кўринган географ олимларидан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абубакр ал – Макдисийнинг (947-1000 й) “Аҳсон ат таксим фи маърифат ал-аколим” (“Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма”) асарида ҳам Марғилон тўғрисида маълумотлар келтирилган.

XI-XIII асрларга келганда Марғилон Марказий Осиёнинг, жумладан Ўзбекистоннинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланди. Бу даврда Фарғона водийсининг шимолий ва жанубий қисмидан ўтган Буюк ипак йўли тармоқлари Марғилон орқали ўтиб, унинг гуллаб яшнашида катта аҳамият касб этади. Марғилонни қадимдан “Сундуқул орифийн” – “Олимлар макони” деб атайдилар. Бу ерда яшаган салаф аждодларимиз сафида кўплаб олиму уламолар, фозилу фузалолар, ҳакиму ҳукамолар ўтишган. Марғилон алломалари тўғрисида Ёқут Ҳамовий, Абу Саъид Самъоний, Нажмуддин ан-Насафий ва бошқа ўрта аср адибларининг асарларида кўплаб маълумотлар учрайди.

**Марғилон шаҳри ҳудудида ўттиздан ортиқ муқаддас зиёратгоҳлар мавжуд. Ушбу зиёратгоҳларда Марғилоннинг олис ва яқин ўтмиши акс эттирилганлиги билан ҳам ғоят муқаддасдир. Хўжа Маъоз, Шамсиддин Табризий, Пури Сиддиқ, Гури Аввал, Хўжа Эгиз шулар жумласидандир.**




Марғилоннинг шойи матолари Миср, Эрон ва Юнонистон, Хитой савдогарлари томонидан кўплаб харид қилинган.

Марғилон номининг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларга тўхталадиган бўлсак, Марғилон форс тилидаги “Марғ” “ўтлоқ” сўзи билан алоқадордир. “Марғи” атамасининг этимологияси “ўтлоқ, ўрмонча, яшил ер, кўкаламзор” каби маъноларни англатади. “Марғи” – “ўтлоқда яшовчи, ўрмонда яшовчи ёки чорвадор” деган тушунчани ифодалайди. Бунга сабаб ўша даврларда Марғилонсой қирғоқларида ям-яшил боғларнинг, ўтлоқларнинг, деҳқончиликнинг ривож топганлиги бўлса ажаб эмас. “Бобурнома” асарида Марғилон Фарғонадаги саккизта шаҳарлардан бири эканлиги, шаҳарнинг ободлиги, ширин мевалари ҳақида сўз юритилиб, унинг “Донам калон” деб аталувчи анори ва “Субхоний” навли ўриги ҳақида таърифлар келтирилган.

Марғилон шаҳри ҳудудида ўттиздан ортиқ муқаддас зиёратгоҳлар мавжуд. Ушбу зиёратгоҳларда Марғилоннинг олис ва яқин ўтмиши акс эттирилганлиги билан ҳам ғоят муқаддасдир. Хўжа Маъоз, Шамсиддин Табризий, Пури Сиддиқ, Гури Аввал, Хўжа Эгиз шулар жумласидандир.

Марғилонда ислом қонуншунослигида ўчмас из қолдирган “Соҳиби ҳидоя” сифатида ном қозонган буюк аллома Бурҳониддин Ар-Рашидоний ал-Марғилоний, ўзбек классик адабиётининг йирик намояндаси Жаҳон Отин Увайсий яшаб ижод этган.

Мамлакатимиз Президентининг “Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур сана халқаро ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессиясида тасдиқланиши оламшумул воқеа бўлди. Кўҳна Марғилон қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган мустақиллик кўчаси кенгайтирилиб, таъмирланди. Кўча ўртасига замонавий электр чироқлари ўрнатилди. Бир тарафлама транспорт ҳаракати йўлга қўйилди. Кўча ўртасига турфа гуллар экилди. Илгари шаҳар деҳқон бозори олдидан ўтаётган киши бу ердаги гавжумликдан эсанкираб қолар эди. Эндиликда эса бозор атрофи тамоман ўзгача қиёфани касб этган. Айниқса, Пири Сиддиқ мажмуаси, Саид Аҳмад Хўжа эшон, Ёшлар мажмуаси, Бахт уйи ва ҳоказо қурилиш объектларида олиб борилган ишлар киши ҳайратини оширади.

Ҳа, Марғилон ва марғилонликлар чинакам тўйга, қутлуғ ва унутилмас санага қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Кўча ва хиёбонларда ҳозирданоқ байрам шукуҳи кезиб юрибди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Фарғона вилояти*




Дзюдо

## Юртдошимиз жаҳон универсиадаси чемпиони

**Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида XIV Бутунжаҳон талабалар универсиадаси бўлиб ўтмоқда. Ҳар бир давлатнинг олий ўқув юртлари спортчилари иштирок этаётган мазкур мусобақа мутахассисларда илиқ таассурот қолдиряпти.**



Унда юртимиз вакиллари ҳам ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишмоқда. Хусусан, спортнинг дзюдо тури бўйича икки ҳамюртимиз медаллар билан тақдирланишди. 90 килограмм вазн тоифасида дзюдо гиламига чиққан Хуршид Набиев финалда франциялик Николя Бриссона билан куч синашди. Ўз рақибига қараганда аниқроқ ҳаракат қилган Хуршид мусобақанинг олтин медалига лойиқ топилди. Учинчи ўринни Каролис Бауза (Литва) ва Дмитрий Герасименко (Россия) бўлишиб олишди. Яна бир вакилимиз Фармон Қобулов 81 килограмм вазнда ярим финалда мағлуб бўлиб, япониялик Хиротако Като билан бронза медалига эгалик қилди.

Теннис

## Федерер мураббийсиз ҳам кучли

***Жаҳоннинг биринчи рақамли теннисчиси Роже Федерер шу йилнинг май ойидан бошлаб кортга мураббийсиз тушмоқда. Унинг айтишича, мураббийсиз ҳаракат қилиш ўзига ҳеч қандай ноқулайлик олиб келмаяпти. AFP агентлигининг хабар беришича, 2008 йилги теннис мавсумининг биринчи йирик мусобақаси – Австралия очиқ чемпионати арафасида швейцариялик спортчида мураббий пайдо бўлади.***




–Мен дунёда биринчи рақамли теннисчиман. Уимблдон турниридаги ғалабамдан сўнг ўзимга бўлган ишонч ўн карра ошди ва мураббийсиз ҳам улкан ютуқларга эриша оларканман, – дейди журналистларга Федерер. — Мураббий танлаш борасида шошилиш керак эмас. Лекин қачондир яна мураббий қўл остида кортга тушишим аниқ.

Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача швейцариялик теннисчи 11 марта “Катта дубулға” сериясига кирувчи мусобақаларда ғалаба қозонган. Агар у яна уч марта худди шундай турнирларда ғалаба қозоналса, америкалик Пит Сампрас ўрнатган рекордни такрорлайди.

Футбол

## Шацкихнинг муҳим голи

***Чоршанба оқшомида Европа чемпионлар лигасининг 3-саралаш босқичи старт олди. Юртдошларимиз эътиборини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари шарафини ҳимоя қилган жамоалар ўзига қаратди, десак тўғри бўлади.***



Қувонарлиси, Ўзбекистон терма жамоаси сардори Максим Шацких жамоаси сафарда муҳим ютуққа эришиб, гуруҳ ўйинларига чиқиш учун яхши имкониятга эга бўлди: Босния чемпиони “Сараево”га қарши тўп сурган Украинанинг “Динамо” жамоаси ҳамюртимиз урган ягона гол эвазига ғалаба қозонди.

Украинанинг бошқа бир жамоаси “Шахтёр” эса мағлубият аламини тортди. Австриянинг “Зальцбург” клуби майдонида ўйнаган “кончилар” кичик 0:1 ҳисобида ютқазишди. Энди улар бахсни давом эттиришлари учун ўз майдонидаги жавоб учрашувида камида иккита тўп фарқи билан ғалаба қозонишлари шарт. Москванинг “Спартак” жамоаси ўз майдонида Шотландиянинг “Селтик” клуби билан дуранг 1:1 ўйнаган бўлса, Белорусь чемпиони “БАТЭ” ва Руминиянинг “Стяуа” жамоаси учрашувида 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Эслатиб ўтамиз, 3-саралаш босқичининг жавоб учрашувлари 28-29 август кунлари ўтказилади.

## Ҳужумчи ватанига қайтди

***Испания чемпиони “Реал” (Мадрид) италиялик футболчи Антонио Кассано билан алоқани узди.***



Келаётган мавсумни ҳужумчи Италиянинг “Сампдория” жамоаси сафида ижарада ўтказади. Агар Кассано ўз формасини тиклаб, илгаригидай ҳаракат қилса, жамоа уни сотиб олиши мумкин. Кассано “Реал”да 1,5 йил тўп сурди, бироқ асосий таркибга тушиш масаласини ижобий ҳал қилолмади.

Мадридликлар 2006 йилнинг январида футболчи учун “Рома”га 5 миллион евро миқдорида пул тўлашганди. Бироқ Италия “А” сериясида ўз ўрнига эга бўлган Антонио Испания примьеросида ўйинини йўқотиб қўйди. Шу боис, у 2006 йилги Италия терма жамоаси таркибига жалб қилинмади.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

*“Қизил китоб”ни варақлаганда*

# Қора лайлак

***Лайлак ҳақида гап кетар экан, беихтиёр кўз ўнгимизда оёқлари, тумшуғи узун оппоқ қуш кўз олдимизга келади. Лекин қора рангли лайлакни ҳеч учратганмисиз? Йўқ дейишингиз табиий. Чунки бу қуш жудаям камёб. Қора лайлак Ғарбий Тёншонь, Ғарбий Помир-Олойда, Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатлари, Қозоғистон, Европа, Ғарбий Осиё, Сибирь, Узоқ Шарқ, Корея, Хитой шимоли, Африка, Ҳиндистон, Хитой жанубида учрайди.***



Улар 700-2000 метр баландликда бўлган тоғ воҳаларида уяласа, текисликдаги сув ҳавзаларидан учиб ўтади. Бугунги кунга келиб сони жудаям камайиб кетган. “Қизил китоб”даги маълумотларга қараганда тахминан 20 жуфти уялайди, атиги бир неча ўнтаси учиб ўтаркан.

Бу қуш февраль-март ойларида учиб келиб апрель-май ойларида қоялар ва жарликларга 2 тадан 5 тагача тухум қўяди. 32-38 кун босиб ётади. Тухумдан чиққан полапонлари июнь-июль ойларида уча бошлайди. Майда балиқлар, қурбақалар, судралиб юрувчилар ва умуртқасизлар билан озиқланади.

Тоғли ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, уялаш жойларида безовта қилиниши уларнинг камайиб кетаётганлигига сабабдир. Бугунги кунда бу қушнинг умуман йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги назарда тутилиб, Европа ҳайвонот боғларида кўпайтирилади. Ов қилиш қатъиян тақиқланган. Тоғ қўриқхоналари ва миллий боғларда муҳофаза остига олинган.

**Барно СУЛТОНОВА**
**тайёрлади.**

*Биласизми?*

# Биринчи ҳайвонот боғи

***Жаҳонда биринчи ҳайвонот боғи эрамиздан олдинги 1150 йилда Хитойда пайдо бўлган экан. Хитой императорининг буйруғи билан ташкил этилган мазкур боғда кўплаб ҳайвонлар, паррандалар, балиқлар боқилган.***

У бизнинг ҳозирги замон ҳайвонот боғимизга бирмунча ўхшаш бўлса ҳам кескин фарқи бор эди. Боғ император ва унинг яқинлари учун мўлжалланган бўлиб, кенг халқ уни томоша қилишдан маҳрум эди.

Дунёда биринчи оммабоп ҳайвонот боғи Парижда 1793 йилда очилган. Уни Жарден де Пмен ташкил этганди. Бу ерда ҳайвонлар сақланган, музей бўлган, ботаника боғи ташкил этилган.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**



Бухоро шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 15-ўрта мактабда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Шу боис илм даргоҳи спортчилари туман, вилоят миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда кўп бора ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олмоқда.

**СУРАТДА:** Шаҳноза Жумаева ўз шогирдларини навбатдаги мусобақаларга тайёрламоқда.

**Ҳаким ҚУРБОНОВ олган сурат.**

*Бухоро вилояти*




*Хабарлар*

## “Қоратегин” соҳилларида санъат байрами

***Тахтакўпир туманидаги гўша — “Қоратегин” кўли соҳилларидаги Бўриштов этакларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан “Аббаз шоир овози, Қоратегин наволари” мавзуида санъат фестивали бўлиб ўтди.***

Унда Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидан қўшиқчилар, бахшилар, қиссахонлар, санъат усталари, шунингдек, шоир ҳамда ёзувчилар иштирок этишди.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

## Янги замонавий бино

***Косон шаҳрида янги бино қад ростлади. У “Нефть ва газ қудуқларини синаш” очиқ акциядорлик жамияти маъмурий биноси бўлиб, “Қашқадарёнефтгазқурилиштаъмирлаш” очиқ акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан олти ой ичида қуриб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 650 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.***

Бино ишга туширилиши муносабати билан тантанали маросим уюштирилди. Унда фаол ишчи ходимлар тақдирланиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

*Қашқадарё вилояти*

Республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази жамоаси Сирдарё вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази директори ўринбосари **Орифжон Ҳамиджонович ЭРГАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-54-20-518; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
(т) -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Буюртма Г-717, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.50
Адади - 13752

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6